

## А Ж Р И М

2025 йил март ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман суди, Марҳамат тумани, Пахтакор МФЙ биносига, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси У.Каримов, судья ёрдамчиси И.Собировнинг котиблигида, Марҳамат туман прокурори О.Қаюмов, химоячи А.Маллабоевларнинг иштирокида,

Халилов Набижон Кулдошевич(Xalilov Nabijon Kuldoshevich), 1966 йил 21 январда Марҳамат туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, “Азизбек томорқа” МЧЖ ишчиси, муқаддам судланмаган, оилали 1 нафар фарзанди бор, Марҳамат тумани, Найман МФЙ, Эшонгузар кўчаси, 48-уйда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 117-моддасининг 1-қисми, 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланганга оид 1-1710-2501/20-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва тарафларнинг фикрларини тинглаб, ишда тўпланган ҳужжатларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и:

Судланувчи Халилов Набижон Кулдошевич, 2024 йил 27 декабрь куни соат 18 ларда бошқарувидаги “BMW” русумли 60 Y 820 DB давлат рақамли автомашинасини Марҳамат тумани Г.Гулом МФЙ ҳудудидан ўтган Юксалиш кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 3-бандида кўрсатилган “йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, ушбу қоидалар ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабаларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт”, 4-банди 1-хатбошида кўрсатилган “Йўл ҳаракати қатнашчилари йўлдаги бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги керак, 3-хатбошидаги “Ҳаракатланишга тўсқинлик юзга келтирадиган шахс уни тезда бартараф қилиш учун имконияти даражасида барча чораларни кўриши, агар бунинг иложи бўлмаса мавжуд барча воситалар билан хавф-хатар ҳақида ҳаракат қатнашчиларини огохлантириши ва ички ишлар органларига хабар бериши шарт”, 12-банди 1-хатбошида “Транспорт воситасини спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш, 77-бандида “Хайдовчи ҳаракатнинг серқатновлиги, транспорт воситаси ва



юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгиланган чекланган тезликда оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига йўл ҳаракати қоидалари талабларини бажариш учун унинг транспорт воситасининг доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасини тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”, 78-бандида кўрсатилган “Аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлиги соатига 70 километрдан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкаларида) эса соатига 30 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги республика махсус комиссиясининг қарорига асосан Тошкент шаҳри ва йирик шаҳарларнинг йўл ҳаракати қатнови юқори ва аҳоли гавжум ҳудудларда транспорт воситаларининг тезлигини 60 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади” деб кўрсатилган талабларни қўпол равишда бузиб, йўл транспорт ходисаси содир этиши натижасида жабрланувчи У.Муйдиновга оғир шикаст етказилишига сабабчи бўлган.

Судланувчи Н.Халилов судда, айбига иқрорлик билдириб, 2024 йил 27 декабрь куни соат 18 ларда бошқарувидаги “BMW” русумли 60 Y 820 DV давлат рақамли автомашинасини Марҳамат тумани, Ғ.Ғулом МФЙ ҳудудидан ўтган Юксалиш кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб кетаётиб, эътиборсизлик қилиб, пиёда У.Муйдиновни кўрмай қолиб, йўл транспорт ходисаси содир этиши натижасида, У.Муйдиновга тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлганини, ҳодиса содир бўлган вақтда У.Муйдиновни кўрмагани, бирор-бир нарсага урилдим деб ўйлаб ҳаракатни давом эттиргани, ҳозирда жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганини, жабрланувчи ва унинг вакили Х.Муйдинова билан ўзаро ярашиб олганини, ўрталаридаги ярашув ихтиёрий эканини, уларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаганини кўрсатиб, ишни тугатиш ҳақида ариза тақдим қилди.

Жабрланувчи вакили Х.Муйдинова судда, жабрланувчи У.Муйдинов турмуш ўртоғи бўлиши, ҳозирда У.Муйдиновнинг соғлиги яхши экани, Н.Халилов қилмиши учун кечирим сўраб, барча дори-дармон ҳаражатларига ёрдам бериб, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганини, у билан ихтиёрий ярашиб олишганини, муносабатлари яхши эканини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини, уларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаганини, ярашувнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунганини билдириб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўраб, шу ҳақда ариза тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчилар ва фуқоровий даъвогарлар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи вакили ва судланувчи томонидан тақдим қилинган аризаларни иш материаллари билан бирга ўрганиб чиқиб, уларнинг ярашувлари ихтиёрий эканини, судланувчи ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган



қилмишининг оқибатларини тушунганини ва жиноят оқибатида етказилган зарарлар тўлиқ қопланганини, уларнинг ярашувига ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаганини, судланувчи ва жабрланувчи ярашувга рози эканини, тарафларнинг ярашувни тасдиқлаш ҳақидаги фикрларини инобатга олиб, гумон қилинувчини жиноий жавобгарликдан озод қилиб, ишни тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи вакилига Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84, 585-586-моддаларига асосан,

**а ж р и м қ и л д и:**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 117-моддасининг 1-қисми, 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган Халилов Набижон Кулдошевич (Xalilov Nabijon Kuldoshevich) жабрланувчи вакили Х.Муйдинова билан ярашиб олгани сабабли, жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва иш тугатилсин.

Ажримдан норози тарафлар 10 кун ичида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига хусусий тартибда шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**У.Каримов**

**ажрим нусхаси аслига тўғри,  
Раислик қилувчи**

**У.Каримов**

